

Мавзу:Таълимий ёзма ишлар:Диктант,баён,иншо юзасидан амалий машгулотлар

МАКСАД: Эркин ижодий фикрлатиш, фикр махсулини ёзма ва огзаки равишда баён килишга ургатиш. Матн яратишнинг турли усуллари буйича тажриба алмашиш.

Кутиладиган натижа: Ижодий иншо-нутк устириш омили эканлигини билиш

РЕЖА:

- 1.Укувчиларни мустакил фикрлатиш-давр талаби.
- 2.ДТС ва таълим мазмуни.
- 3.Матн яратиш.Ёзма иш турлари.
- 4.Иншо-ижодий матннинг олий курилиши.
5. Хулоса.Баҳолаш усуллари.

Умумий урта таълимнинг Давлат Таълим Стандарти укувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига куйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг узаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият курсатаётган турли муассасаларда (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарт амалга оширилади. Давлат таълим стандарти уз моҳиятига кура укув дастурлари, дарсликлар, кулланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандарти узининг тузилиши ва мазмунига кура давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари ва воситалари мувозанатини ақс эттиради ҳамда энг асосийси шахсни, унинг интилишлари, қобиляти ва қизиқишлари устиворлигидан қелиб қилади.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият курсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бунсинишидан қатъий назар, барча таълим муассасалари учун мажбурий бўлиши.

Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий урта таълимни ташкил этиш тугрисидаги» 203-қарори (1998 йил 13 май) умумий урта таълим мактабларида ўзбек тилини ўқитиш борасидаги батамом янги вазифаларни қўйди: мактабни битириб чиққан ёшлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ранг-баранг жаҳҳаларида, мулоқат ва муносабатнинг барча турларида ўзбек тилида бемалол эркин, самарали ва тугри фойдалана олиш, унинг имкониятларидан тулақонли баҳраманд бўлиш, зарурий қўникма ва имкониятларига эга бўлишлари керак.

Она тили дарсларида укувчиларни мустакил ва ижодий фикрлашга йўналтириш, улар онгида маънавий-маърифий инқилоб ҳосил қилишга эришиш лозим. Шунинг учун ўшбу дастур ва у асосида яратилган дарсликларда грамматик қоидаларни ёдлатишдан воз қечиш, ижодий тафаккур тарзини шакллантиришга қаратиш мақсад қилиб олинди.

Она тили таълими олдида қўйидаги бош мақсад туради: она тили машгулотлари болаларда ижодийлик, мустакил фикрлаш, ижодий фикр махсулини нукт шароитига мос равишда огзаки, ёзма шаклларда тугри, равон ифодалаш қўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Иншо укувчининг маълум бир мавзуни мустакил равишда очиб бера олишини, унинг бу мавзу буйича билимлар силсиласини ва бойлигини уз фикрларини ёзма шаклда тугри, равон, саводли баён кила олиш куникма ва малакаларини куз-куз килувчи, курсатувчи ижодий матн-кичик бир асардир. Ёзувчи ва шоир, олим ва мухбир узи ёзадиган асар, илмий иш мақолага канчалик масъулият билан қараса. укувчи ҳам узи бунёд этадиган иншо матнига шундай жиддийлик билан ёндашиши, иншо ёзишдан олдин унга ҳар тамонлама тайёрланиши лозим. Зеро, иншо укувчи маънавияти кузгусидир. Унда укувчининг ички олами, билимлари, ҳис-туйғулари, фикрларини баён этиш куникмаси уз аксини топади.

Яқинда халқ таълим вазирлиги ва республика алоқа бўлим ҳамкорлигида сиртки иншолар танлови утқазилди. Мақсад долзарб мавзулар бўлган «Соғлом авлод-кеलाжамиз пойдевори», « Ватан-саждағохим менинг», «Оғохликка даъват»мавзулари буйича укувчиларнинг дунёқараши, эркин фикрлаши, фикрларини ёзма равишда баён қилишига эътибор қаратилди.

ДТС да адабиёт уқитишда фақат тафаккурини устиришга амалий куникмаларни ривожлантиришга эмас, балки қалбини шакллантиришга, эстетик дидни таркиб топтиришга купрок эътибор қаратилиши қайд қилинган.

Иншо-ижодий матннинг олий қурилиши.

«Иншо»арабча суз бўлиб, унинг тилдаги маъноси «яратиш», «бино» қилиш «қуриш», «бошлаш»демақдир, тилимизда бу суз маъно жихатидан анча торайган ва асосан, укув юртларида укувчи ва талабалар томонидан ёзиладиган ижодий ёзма ишнинг энг олий қурилиши маъносида қулланилади.

Агар саналувчи нарса-буюм, воқеа-ҳодисалар атоқли отлар билан номланса, улар, албатта, бош ҳарф билан ёзилади. Чунончи, бизнинг яшаш жойимиз бўлган Ер сайёрасига энг яқин бўлган сайёралар қуйидагилардир:

А)Зухра (Венера)

Б)Марс (Миррих)

Илмий иншо намунаси.

СУВ.

Сув рангсиз, ҳидсиз, мазасиз, суюқликдир. У қор ва музликлардан ҳосил бўлади. Ҳаво ҳарароти О даражага тушганда суюқланади. Сув 100 даража иссиқликда қайнайди. Қайнаганда ундан буг ҳосил бўлади.

Сув табиатда энг қуп тарқалган модда. Ер юзининг 71 фоизини сув ташкил қилади.

Тирик организмлар сувсиз ҳаёт кечира олмайди. Одам танасининг 60 фоизини сув ташкил этади. Сув саноат ҳамда қишлоқ ҳужалигида қенг қулланилади. Сув билан ишлайдиган электростанциялар электр тоқи ишлаб чиқаришнинг асосий манбаидир.

БАҲОУДДИН НАКШБАНДИЙ.

Саид Мухаммад Ибн Жалолиддин (1318-1369) Накшбандийлик тариқатининг асосчисидир. Накшбанд (матоларга нақш берувчи) касби билан шугулланганликлари туфайли у кишига Накшбандий таҳаллуси берилган. Баҳоуддин Накшбанд ёшлиқларидаёқ суфийлик йулига қирганлар. У киши Мухаммад таълимотларига қатъий итоат этишга қақирганлар. Узларини Мухаммад авлодидан машҳур Муршид деб танитганлар...

ЭРКИН ИНШОЛАР.

Билиб қуйинг.Муаллифнинг маълум бир мавзуга оид билимлари, ахлоқий, тарбиявий, ижтимоий-сиёсий дунёқараши фикр-мулоҳазаларини ақс эттирувчи иншолар эркин иншолардир.

Эркин иншоларда муаллифнинг бир мавзу буйича турли фанлардан олган билимлари ва унинг шахсий таассуротлари биргаликда тасвирланади.

РАМЗИЙ БАДИЙЙ ИНШОЛАР.

Муаллифнинг бирор нарсa-буюм, воқеа-ходиса, макон ва замон билан алоқадор бўлган тасаввур ва уйлари, кечинмалари ва билимларини акс эттирувчи иншолар рамзий-бадий иншолардир.

Рамзий- бадий иншолар муаллиф тафаккур оламининг кенг ва чуқурлилик куламлирини, унинг уз фикрини чиройли, бадий ва тугри ифодалай олиш куникмалари ойнасидир.

Машк. Гурухларга булиниб, «Олма» билан алоқадор бўлган куйидаги мавзуларда ва режаларда иншо ёзинг.

1.ОЛМА.

(Богбон бобо хакида)

1. Кириш. Олма хакидаги илк-тасаввурлар бобом билан боглик.
2. Асосий қисм:
 - А) Бобом-миришкор богбон:
 - Б) Бобом-устирган олмазор хакида:
 - В) Бобом боғидаги олмаларнинг турлари:
 - Г) Бобом ва болалар.
3. Якун: Мен ҳам бобомдек бўлсам дейман.

2.ОЛМА

(табиат саховат, суз бадияти).

- 1.Кириш:
 - 1.усимлик ва мевалар-табиат муъжизаси:
 - 2.усилик ва мевалар-гузаллик рамзи:
 - 2.Асосий қисм:
 1. олма, унинг турлари, табиий хусусиятлари:
 2. олманинг табиий хусусиятлари асосида»олма»ва бошқа номларидан кучма маънолар ҳосил қилиш:
 3. олма ва бошқа усимликлардан адибларимизнинг бадий фойдаланиш маҳорати
- Якун: ухшатиш ва маънолар матн бадийлигини таъминловчи воситалардан бири эканлиги.

3.ОЛМА

(Суз мулкига саёҳат).

- 1.Кириш:
 - А)Олма эмас, ол деди(Э.Воҳидов)
 - Б)Олма шаклдош (омоним) суз.
 - 2.Асосий қисм:
 - А) шаклдош сузлар хакида:
 - Б) бадий адабиётда шаклдош сузлардан фойдаланиш:
 - В) туюқ ва суз уринлари:
 - 3.Якун: Сузи бойнинг узи бой.
- Топширик, Шу тахминий режа асосида ёзилган хикоя-иншонгизга бошқа сарлавха топинг, Унинг режа ва матнига қандай узгартириш қиритиш зарур.
- Рамзий-бадий иншо намуналари.

СУВ.

1.Кириш: Ёмгир хам сув, дол, дарё хам, денгиз хам сув: куз ёши хам сув.

2.Асосий кисм:

- А) сув-хаёт
- Б) сув-ободлик
- В) сув кувноклик ва туклик
- Г) сув – кайгу-гам

Билиб куйинг. Иншонинг мазмунини лундагина очиб берувчи фикр пешлавха(эпиграф) деб айтилади. Пешлавха одатда режадан кейин, иншо матни бошида, бетнинг унг томонидаги чеккасида ёзилади. Пешлавхада,албатта, фикр муаллифи кавс ичига олиб курсатилиши керак. Битта иншога бир ёки иккита пешлавха куйиш мумкин.

Модомики, урта умумтаълим мактабларида она тилини унутишдан асосий мақсад болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тугри, раван ифодалаш куникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш экан, демак, уларни ижодий ёзма иш устида ишлаш усулларига хам ургатиш лозим. Бу иш она тили машгулотларида икки йуналишда амалга оширилади:

- 1) тил ходисаларини урганиш жараёнида;
- 2) ижодий ёзма иш устида ишлаш учун ажратилган махсус соатларда.

Биринчи йуналиш деярли барча она тили машгулотларида амалга оширилади. Уқувчи урганилаётган тил ходисасини амалга татбиқ этган ҳолда ижодий матнлар яратар экан, мавзунини ёритиш учун зарур материални танлаш, ёзиш, ишнинг режасини тузиш, «хат боши» тушунчаси, ёзма иш матни устида қайта ишлаш, иншо турлари (илмий иншо, бадиий иншо, эркин мавзуда ёзилган иншо,рамзий иншо) каби масалаларга дуч келади ва айни вақтда уқитувчидан бу ҳақда зарур маълумотларни хам билиб олиш лозим бўлади.

Иккинчи йуналиш ижодий ёзма иш устида ишлаш учун ажратиладиган махсус соатлардир. Биз ижодий ёзма иш устида ишлаш усулларини морфология урганилгандан кейин қиритишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Чунки, биринчидан, бу даврга (7-синфнинг)охирига келиб, уқувчилар матн устида ишлаш юзасидан анчагина малакага эга бўладилар ва иккинчидан. Бу усулларни урганиш синтаксисни урганиш учун кенг йул очиб беради.

Ижодий ёзма иш усуллари бўлимида уқувчиларни қуйидаги зарур билим, куникма ва малакалар билан қуроллантиришни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

-«Ижодий ёзма иш» тушунчаси:расм асосида ҳикоя манзара тасвири, шахс, ҳайвон, нарса-буюм, воқеа-ходиса тасвири: уқувчи(муаллиф) ва борлик: ёзма ишнинг мақсади: ёзма иш уқувчининг(муаллифнинг) узлиги:

-ёзма ишга мавзу танлаш, уни тайёрлаш: айни бир нарса манзара, воқеа, ходисалар асосида турлича мавзуда ёзма иш ёзиш: ёзма иш мазмунининг мавзу ва унинг номланиши билан боғланиши:

8-синфда иншо турлари билан таништириш кузда тутилади.

Уқувчилар иншо ижодий ишнинг оддий қириниши, илмий, бадиий, эркин, рамзий иншолар, илмий иншо турлари, адабий иншолар ҳақида маълумотларга эга бўлишади.

ТЕСТ.

1. ДТС кандай хужжатларга асос булиб хизмат килади?
 - А) Методик тавсиялар
 - Б) Методик тавсиялар, дарслик учун асос булади
 - С) Укув дастурлари, дарсликлар, кулланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий хужжатлари учун асос булиб хизмат килади.
2. ДТС ни бажариш қайси мактаблар учун мажбурийдир?
 - А) Давлат қарамоғидаги бўлган мактаблар учун
 - Б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча таълим муассасалари учун
 - С) Шахсий мактаблар учун
4. Қайси қаторда иншо туғрисида аниқ таъриф берилган?
 - А) Иншо ижодий матннинг олий қуриниши
 - Б) Иншо қурган воқеа ҳодисаларга баён бериш
 - С) А ва Б
5. Иншо неча турга бўлинади?
 - А) 2 турга
 - Б) 6 турга
 - С) 3 турга

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. А. Гуломов, Х. Неъматов. Она тилидан амалий ижодий ишлар. Т., 1997 й.
2. Т. Ёулдошев. Тил урганиш асоси. Т., 1999 й.
3. Ижодий матн устида ишлаш. Т. ЎзТДА. 1997 й.
4. А. Гуломов. Нутқ устириш усуллари. Т., 1999 й.
5. Янги дастур ва дарсликлар.
6. «Тил ва адабиёти таълими» журналы 2004, 5-6